

RUSTAMIY Salimaxon Aliybeg qizi
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
O'zbek tili va mumtoz sharq adabiyoti
kafedrası dotsenti
filologiya fanlari doktori
s.rustamiy@iiu.uz

“ДЕВОНУ ЛУҒОТИ-Т-ТУРК” АСАРИ ЛУҒАТ ҚИСМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

СТРУКТУРА СЛОВАРНОЙ ЧАСТИ “ДИВАНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК”

STRUCTURE OF THE DICTIONARY PART “DIVANU LUGATI-T-TURK”

Аннотация: Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғоти-т-турк” асари муқаддима ва луғат қисмлардан иборат. Девоннинг луғат қисми кита:б, ба:б ва фасллардан ташкил топган мураккаб тузилишга эга. Луғатнинг ҳар бир кита:би исмлар ва феълларга ажратилган. Ҳар кита:бда сўзлар вазнига қараб алифбо тартибиде жойлаштирилган. Луғатда уч ҳарфли, тўрт ҳарфли, беш ҳарфли, олти ҳарфли ва етти ҳарфли сўзларнинг абва:б (боблар) и берилган.

Таянч иборалар: муқаддима, туркий сўзлар, уйғур ёзуви, луғат, кита:б, вазн, ба:б, исм, феъл.

Аннотация: “Дивану луғати-т-турк” Махмуда Кашғари состоит из введения и словаря. Словарная часть Дивана имеет сложную структуру, состоящую из кита:б, ба:б и глав. Каждый кита:б в словаре разделен на существительные и глаголы. Слова расположены в алфавитном порядке в соответствии с формой слов. Словарь содержит абва:б (главы) трехбуквенных, четырехбуквенных, пятибуквенных, шестибуквенных и семибуквенных слов.

Ключевые слова: введение, турецкие слова, уйгурское письмо, словарь, кита:б, вазн, ба:б, имя, глагол.

Annotation: “Divanu lugati-t-Turk” by Mahmud Kashgari consists of an introduction and a dictionary. The vocabulary part of the Divan has a complex structure, consisting of a kita:b, ba:b, and chapters. Each kita:b in the dictionary is divided into nouns and verbs. Words are arranged alphabetically according to the shape of the words. The dictionary contains above:b (chapters) of three-letter, four-letter, five-letter, six-letter and seven-letter words.

Keywords: introduction, Turkish words, Uyghur writing, dictionary, kita:b, vazo, ba:b, noun, verb.

КИРИШ

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғоти-т-турк” асарини дастлаб икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси муқаддима қисми, иккинчиси асарнинг луғат қисми.

Муқаддима қисми. “Девону луғоти-т-турк”нинг муқаддимасида туркий қабилалар, уларнинг яшаш жойлари ва туркий тиллар ҳақида қиёсий-тарихий маълумотлар берилиб, уларнинг график, фонетик ва морфологик хусусиятлари баён этилган. Масалан, асарда туркий сўзларнинг ёзилиши ва туркларгагина хос бўлган товушларнинг талаффуз ўрни ҳақида маълумот берилган, туркларнинг қадимги ёзуви, яъни уйғур ёзувининг арабча муодили кўрсатилган. Шунингдек, Маҳмуд Кошғарий туркий тилларнинг товуш хусусиятлари ҳақида гапириб, турк сўзларида араб тилига хос бўлган тишора с товуши, итбоқ (эмфатик) товушлар ва бўғиз товушлари йўқлигини таъкидлайди, уйғур ёзувида араб тилига хос товушларни ифодалаш учун тегишли уйғур ҳарфига диакритик белгилар қўйиб ифодаланишини ҳамда ҳамма турк шаҳарларида барча хоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари мазкур турк ёзувида юритилганини айтади [1:48-49; 3:36].

АСОСИЙ ҚИСМ

“Девону луғоти-т-турк”нинг луғат қисми асарнинг асосини ташкил этади.

Луғат қисми. Маҳмуд Кошғарий асарнинг луғат қисмига фақат туркий сўзларни киритиб, арабча ва форсча сўзларни киритмаган. А.Н.Кононов “Девону луғоти-т-турк”да 7500га яқин сўз бор, дейди [1:12]. “Девону луғоти-т-турк”нинг таржималарида сўзларнинг сони турличадир. Таржималардаги фарқларни сўзма-сўз ва сўзларнинг сонини бирма-бир аниқлаб чиққан Э.И. Фозиловнинг ҳисобига кўра К.Брокельман нашрида 7993, Бесим Аталай нашрида 8783 сўз, Солих Муталлибов нашрида 9222 сўз ва ибора бор. “Девону луғоти-т-турк”нинг аслида 8500 дан ортиқ сўз бўлиб, таржималарда қайтариқлар ҳисобига кўпайган [10:143]. Асарда бир эмас, бир неча ерда

учрайдиган сўзлар бор. К.Брокельман нашри [2] индекс шаклида бўлиб, унда қайтариклар бўлмагани ва баъзи сўзлар умуман тушиб қолгани учун сўзларнинг сони кам. Солиҳ Муталлибов нашрида [6; 7; 8] сўзларнинг Бесим Аталай нашридагига нисбатан кўплигининг сабаби Солиҳ Муталлибов, биринчидан, бошида икки алиф бор сўзларни чўзиқ а билан ифодалаб, уларга алоҳида шакл берганлиги бўлса, иккинчидан омонимларни алоҳида-алоҳида берганлигидир.

Китоблар. “Девону луғоти-т-турк”нинг луғат қисми саккиз бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бўлим икки қисмга бўлинган ва кита:б (китоб) деб аталган [4:4]. Бўлимнинг биринчи китобига отлар, иккинчисига феъллар киритилган. Ҳар китобда сўзлар вазнига қараб алифбони ҳисобга олинган ҳолда сираланган [5]. Шу ўринда туркий сўзларни вазн бўйича тартиблаш Маҳмуд Кошғарийнинг луғат тузишдаги ўзига хос усули эканини алоҳида таъкидлаш жоиздир. У вазн шаклан кўпайиб кетиши мумкин бўлган ўринларда уларнинг битта шаклини бериб, “фи ҳаракатиҳи”, яъни “турли ҳаракатларга эга” деб таъкидлаш билан кифояланади. У туркий сўзларнинг элликдан ортиқ вазнини яратди.

“Девону луғоти-т-турк”нинг биринчи китоби “Кита:бу-л-’асма:’ мина-л-ҳамз” (“Ҳамзали исмлар китоби”) деб аталган ва унга унли билан бошланадиган отлар киритилган. Туркий тилларда Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи қайд қилганидек [3:7а; 6:138], сўз бошидаги ҳамза талаффуз қилинмай унинг ҳаракатигина, яъни сўз бошидаги фатҳали алиф а ва а, даммали алиф ў, у ва ө, о қасрали алиф ы ва и деб ўкилади.

Иккинчи китоб “Кита:бу-л-’афъал мина-л-ҳамз” деб аталган ва бунда унли билан бошланадиган сўзлар берилган. Бу китобларда сўзни сиралашда ундош товушни билдирувчи ҳарфларнинг алифбо сираси ва алифнинг ҳаракати ҳисобга олинган. Масалан, икки ҳарфли сўзларда аввал фатҳали алиф ва ба:’ ҳарфи, сўнгра даммали алиф ва ба:’ ҳарфи, кейин қасрали алиф ва ба:’ ҳарфи билан ёзилган сўзлар берилган. Шундан кейин ҳаракатнинг мазкур тартибини сақлаган ҳолда та:’, жи:м ва ҳоказо ҳарфлар билан тугаган сўзлар берилган. Уч ҳарфли сўзларда учинчи ҳарф, тўрт ҳарфли сўзларда тўртинчи, беш ҳарфли сўзларда бешинчи, олти ҳарфли сўзларда олтинчи

ҳарфларнинг алифбо сираси ҳам риоя қилинган. Аммо ўз ўрнига тушмаган сўзлар ҳам бор. Бу ҳол хаттотнинг камчилиги бўлиши мумкин.

Учинчи китоб “Кита:бу-с-са:лим мина-л-’асма”, тўртинчи китоб “Кита:бу-л-’афъал мина-с-са:лим” деб аталган ва бу китобларга ундош билан бошланган иккиланган ва бурун ундошлари ҳамда ҳаракат ўрнида ишлатиладиган алиф, ва:в ёки йа:’си бўлмаган сўзлар киритилган.

Бешинчи китобга икки ундоши бир хил бўлган (муда:ъаф) отлар, олтинчи китобга шундай феъллар киритилган. Еттинчи китобда ва:в ва йа:’ ҳарфлари билан бошланадиган (миса:л) отлар, саккизинчисига шундай феъллар берилган. Тўққизинчи китобда ўртасида алиф, ва:в ва йа:’ ҳарфлари бор (зава:ту-с-сала:са) отлар, ўнинчи китобда шундай феъллар, ўн биринчи китобда охирида мазкур ҳарфлар бор (зава:ту-л-’арбаъа) отлар, ўн иккинчи китобда шундай феъллар берилган. Ўн учинчи китобда бурун товуши бор (ғунна) отлар, ўн тўртинчи китобда шундай феъллар, ўн бешинчи китобда икки ундош ёнма-ён келган (ал-жамъу байна-с-са:кинайн) отлар, ўн олтинчи китобда шундай феъллар берилган.

“Девону луғоти-т-турк”нинг таржимонлари “зава:ту-с-сала:са”ни “уч ҳарфли” ва “зава:ту-л-’арбаъа”ни “тўрт ҳарфли” деб таржима қилганлар. Ҳолбуки Маҳмуд Кошғарий ўзга тилшунослар каби уч ҳарфли сўзларни “сула:сий” ва тўрт ҳарфли сўзларни “руба:ъий” деб атаган. Мазкур “сала:са”дан мурод алиф, ва:в ва йа:’ ҳарфларидир. “Арбаъа”дан мурод мазкур уч ҳарфнинг ҳаракат ўрнида келиши, яъни қисқа унли тарзида талаффуз этилиши, ҳамда сокин (ав - уй, ай - ой сўзларидаги каби) ва мутаҳаррик (ува - лаббай, айа - каф сўзларидаги каби) ҳолатидаги талаффузи назарда тутилади. Уч ҳаракатга икки ҳолатнинг бир хил талаффузи қўшилиб ’арбаъа (тўрт) ҳосил бўлган [9].

Боблар. “Девону луғоти-т-турк”даги ҳар бир кита:б сўз вазнига қараб бобларга бўлинган, боблар ҳарф сонига қараб бирлаштарилган абва:б, яъни “боблар” деб аталган. Биринчи китобнинг биринчи бобига фаъ, фуъ ва фиъ вазнидаги икки ҳарфли сўзлар киритилган. Учинчи бобларнинг биринчи бобида фаъл, фуъл, фиъл вазнидаги, иккинчи бобида фаъал, фауъл, фаъил вазнидаги, учинчи бобида биринчи ва учинчи ундош олдида турлича унлилар келган

вазнлардаги сўзлар, тўртинчи бобида афъал, ифъал, уфъал вазнидаги, бешинчи бобида фаъал, фаъул вазнидаги, олтинчи бобида биринчи ва охири ҳарфлари турлича ҳаракатли вазнлардаги, етинчи бобида фаъалу, фуъалу, фиъалу вазнидаги, олтинчи бобга ҳаракати турлича афаъул вазнидаги сўзлар берилган.

Луғатда худди мана шу тартибда тўрт ҳарфли, беш ҳарфли, олти ҳарфли ва етти ҳарфли сўзларнинг абваб (боблар)и берилган. Икки ҳарфлилар бир бобдан иборат бўлгани учун абваб демасдан бабу-с-суна'ийа (иккилик боби) деб аталган. Қолганлари эса абвабу-с-суласий (учлик боблари), абвабу-р-рубайий (тўртлик боблари), абвабу-л-хумасий (бешлик боблари), абвабу-с-судасий (олтилик боблари), абвабу-субайий (еттилик боблари) деб аталган. Луғатдаги қолган китобларнинг боблари ҳам мана шу тарзда берилган.

Фасллар. Луғатдаги ҳар бир боб номи зикр этилиб, фасл сўзи зикр этилмаган ҳолда фаслларга бўлинган. Луғатда қуйидаги фасллар мавжуд:

мудаъаф - икки ундоши бир хил (арқак, арра каби) сўзлар фасли;

мисал - в ёки й товуши билан бошланган сўзлар фасли;

манкус - ўртаси алиф, ва:в ёки йа' ҳарфи бўлган сўзлар;

гунна - бурун товуши бор (таң - тонг каби) сўзлар фасли;

зава:ту-с-сала:са - қисқа унли сифатида ўқиладиган алиф, ва:в ёки йа' ҳарфлари бор сўзлар фасли;

матвий - икки ҳарфи алиф, ва:в ёки йа' бўлган (айла – андоғ каби) сўзлар фасли;

зава:ту-л-'арбаъа - алиф, ва:в ва йа' ҳарфлари қисқа унли сифатада ва в, й деб ўқиладиган сўзлар фасли.

Бу фаслларнинг сони турли бобларда турличадир. Масалан, иккилик бобида мудаъаф, зава:ту-л-'арбаъа ва гунна фасллари бўлса, учлик бобида мазкур фасллардан ташқари манкус фасли ҳам бор. Кейинги бобларда эса матвий фасли ҳам бор.

Хулоса

Юқорида баён этилган фикрлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. “Девону луғоти-т-турк” асарининг луғат қисми араб тилини билувчиларга тушунарли

бўлсин учун сўз вазни ва сўздаги ҳарфлар сонига қараб тузилган.

2. “Девону луғоти-т-турк” асарининг таржималарида баъзи атамалар, жумладан, “зава:ту-с-сала:са” ва “зава:ту-л-'арбаъа” матн мазмунига номувофиқ таржима қилинган.

3. “Девону луғоти-т-турк” асарининг тузилишини ўрганиш Маҳмуд Кошғарийнинг луғат тузишдаги ўзига хос маҳоратини очиб бериш билан бирга луғатчилик соҳасини тарихий-қийсий жиҳатдан ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Кононов А.Н. Махмуд Кашгарский и его “Дивану луғат ит-турк” // Советская тюркология, №1, 1972.
2. Brockelmann C. Mitteltürkischer wortschatz nach Mahmūd al-Kāšgaris Divān Luğat it-türk. – Budapest-Leipzig, 1928.
3. Divanü lüğat-it-türk dizini, Türk dil kurumu yayınları, – Ankara. 1972.
4. Махмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк / Нашрга тайёрловчилар: Ҳ. Болтабоев, Б.Исабеков. II жилд. – Т., 2016.
5. Махмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк / Нашрга тайёрловчилар: Ҳ. Болтабоев, Б.Исабеков. III жилд. – Т., 2016.
6. Махмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғоти-т-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С.М. – Т. 1., – Т.: 1960.
7. Махмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғоти-т-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С.М. – Т. 2. – Т., 1961.
8. Махмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғоти-т-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С.М. – Т. 3. – Т., 1963.
9. Рустамий С. “Девону луғоти-т-турк”даги лингвистик атамалар. –Т.: ТошДШИ, 2006.
10. Фазылов Э.И. Об изданиях и издателях “Дивана” Махмуда Кашгари // Советская тюркология, №1, 1972.